Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 2 (7743). ● 5 январь, 1982 йил ▲ СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

СССР НИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТА!

ЧОРВАДОРЛАР, ЖАСОРАТ КЎРСАТИНГ

ЎТГАН ЙИЛ ҳар бир соҳада қўлга киритилган ютуқлар кўлами жиҳатидан гоят баракали ва қувончли бўлди. Айниқса, областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, шу жумладан, чорвадорларимиз ҳаётида ҳам катта воқеалар рўй берди. Улар зарбдор фронтда зарбдорларча иш олиб бордилар. КПСС XXVI съезди белгилаб берган озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил, тер тўкиб ишладилар. Натижада гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳажми аввалги йиллардагига қараганда анча кўпайди. Айниқса, Калинин ва Тошкент районларининг чорвадорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Жуда кўп колхоз ва совхозлар зиммаларига олган оширилган мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар.

Кеча СССРнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта шиори остида чорвадорларга бағишланган навбатдаги ҳафталик бошланди.

Янги йилда областимиз чорвадорлари олдида янги вазифалар турипти. КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси IV пленуми қарорлари асосида областимизнинг барча категориядаги хўжаликларида йилига ўртача 93,6 минг тонна гўшт, 392,6 минг тонна сут, 596,2 миллион дона тухум етиштирилиши керак. Гоят масъулятли ва шарафли вазифа! Бу—узоқ яйловларда, фермаларда меҳнат қилаётган чўпонлар, сут соғувчилар, молбоқарлар, мутахассислар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шунга эришиш керакки —чорвадорлар ҳафталиги—улар томонидан бутун йил бўйи амалга ошириладиган улкан ишларнинг муваффақияти, ғалабаси учун йирик бир дебоча бўлиши керак.

Ана шу мақсадда фермаларда ўзаро социалистик мусобақани, меҳнат кўтаринкилигини ҳар қачонгидан ҳам авж олдириш лозим. Коммунистлар ва комсомоллар бу ишга бош-қош бўлсинлар! Ҳар бир колхоз ва совхозда, барча фермаларда ўтган йилги эришилган натижаларни пухта таҳлил этиб, ишга танқидий муносабатда бўлиш, фойдаланилмаётган резервлар, имкониятларни тўла ишга тушириш, янги-янги режалар, тадбирлар асосида иш олиб бориш ютуқлар гаровидир.

Ўтган йилда кўплаб янги комплекслар ишга туширилди. Вазифа—дастлабки кунларданоқ ана шу мавжуд комплексларнинг қувватидан тўла фойдаланишга эришишдан иборатдир. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, мутасадди ташкилотлар бу масалага алоҳида эътибор беришлари талаб этилади.

Анъанага кўра ўтган йили ҳам областимизнинг бир группа донгдор чорвадорлари ташаббус билан чиққан эдилар. Уларнинг ташаббуси партия комитети томонидан маъқулланди. Бугун шуни мамнуният билан айтиш керакки, ташаббускорлар ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилдилар ва гўшт, сут ҳамда бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотларини анча кўпайтиришга эришдилар.

Ташаббускорларнинг сафи кенгайверсин. Уларнинг илғор иш усуллари ва тажрибаларини ҳамма ерда кенг оммалаштирайлик.

Ҳозир айни қиш фасли. Қишловни соз ва беталафот ўтказишга эришиш—ҳар бир чорвадорнинг муқаддас ва шарафли бурчидир. Ана шу мақсадда ҳамма ерда мусобақани авж олдирайлик. Ферма ва яйловларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилайлик. Чорвадорларга бағишланган ҳафтани муносиб ютуқлар билан нишонлайлик!

УЛКАН ИШЛАР КУТМОҚДА

Янги 1982 йил бошланди. Унга совет кишилари яхши умид ва орзулар билан, эртанги кунга бўлган катта ишонч билан қадам қўйдилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Совет халқига янги йил табрикномаси» барча ватандошларимиз қатори областимизнинг ҳар бир меҳнаткаши қалбидан чуқур жой олди.

Ленинчи партия ва жонажон ҳукуматимиз совет кишиларини — металлургларни ва шахтёрлар, энергетиклар ва машинасозлар, химиклар ва тўқимачилар, озиқ-овқат саноати ходимлари, қурувчилар ва транспортчилар, олимлар, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларини ўтган йилги эришилган улкан ютуқлар билан табриклаб, меҳнатда, ўқишда, ижодда шонли зафарлар ёр бўлишини тиладилар. Бу жўшқин, илиқ ва самимий табрик сўзлари халқимизнинг ижодий куч ва ғайратини жўш урдириб, Ватанни меҳнатда янги ютуқлар билан қувонтиришга илҳомлантирмоқда.

Биз янги йилга қадам қўйган айни шу кунларда қилинажак улуғвор вазифаларни белгилаб, янги режалар тузиб олмоқдамиз.

Бу йил социалистик давлатимиз солномасида ўзига хос ўрин тутади. У муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлади. Ҳадемай касаба союзлари ва комсомол съездлари ўтади. Тошкентнинг 2 минг йиллигига актив тайёргарлик кўрилади. Ҳаммамиз учун зўр шодиёна — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу воқеалар, шубҳасиз, барча совет кишиларининг — коммунистлар ва партиясизлар оммасининг, меҳнат коллективларининг диққат-эътиборида бўлади. Уларнинг ҳаммаси партия билан халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлашнинг, барча миллат ва элатларни янада жипслаштиришнинг, ижодий активликни юксалтиришнинг янги қудратли омили бўлиб қолади.

1982 йил улуғвор ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили, КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш йўлидаги муҳим босқичдир. Унда амалга оширилажак вазифалар, эришилажак марралар КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда яққол ифодалаб берилди.

Аввалги йиллардагидек бу йил ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини ошириш кўзда тутилмоқда.

Областимизда саноат маҳсулоти ҳажми 3,5 процент ўстирилади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 79 миллион сўмликка кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг марралари ҳам каттадир. Пахтакорларимиз ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш, рекорд натижани такрорлаш учун курашадилар. Деҳқонларимиз партия белгилаётган озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бу йил 80 минг тонна дон, қариб ярим миллион тонна сабзавот, 65 минг тонна картошка тайёрланади, полиз маҳсулотлари, мева, узум тайёрлаш ҳам кўпаяди.

Чорвачилик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш миқдори ортади. Йил давомида 44,5 минг тонна гўшт, 143,1 минг тонна сут, 1,72 минг тонна жун, 325 миллион дона тухум сотилади.

Областимиз аввалгидек улкан қурилиш майдони бўлиб қолади.

1982 йилда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 565 миллион сўмлик капитал маблағ ажратилмоқда. Бу ўтган йилги планга нисбатан тўрт процент кўпдир.

Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши, Олмалиқда кон-металлургия, Бекободда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатларини кенгайтириш давом эттирилади. Тошкент метрополитени, «Москва» меҳмонхонаси, Тошкент телеминораси қурилишида катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Бинокорларимиз 625 минг квадрат метрлик турар-жойларни қуриб беришни режалаганлар.

Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, коммунал хўжалиги ва бошқа тармоқлар янада ривожлантирилади.

Белгиланган планлар қанчалик тиғиз бўлса ҳам бажарилиши реал планлардир. Ўтган йил ҳамма соҳада муваффақиятли якунланиб, топшириқлар знёдаси билан адо этилганлиги бу йилги планларнинг бажарилишига мустаҳкам замин ҳисобланади.

Олдимизда турган марралар, шубҳасиз, юксакдир. Уларни эгаллаш завод ва фабрикалар, қурилиш ва конларда, дала ва фермаларда меҳнат қилаётганларга, маънавий бойлик яратаётганлар, турмушимизни безаш учун курашаётганларга боғлиқдир. Улар ўз ишларига қанчалик ижодий ёндашсалар, юксак интизом ва уюшқоқлик кўрсатсалар, мавжуд резервлардан иложи борича фойдалансалар умумий натижаларимиз шунчалик салмоқли бўлади. Партия биздан металл, ёнилғи, электр энергияси, хом ашё ва материаллар, молия ва меҳнат ресурсларидан рационал ва тежамли фойдаланишни, экономикамиз тежамли бўлиши учун ҳамма чораларни кўришни талаб қилмоқда.

Йил бошидан аниқ ва бир маромда ишлаш, зарбдор меҳнат қилиш лозим. Смена ва кундалик топшириқларни, ойлик планларни ўз вақтида бажариш ҳар бир коллектив учун одат тусига кириши, плани бажариш қатъий қонунга айланиши керак. Бирон корхона, цех, бўлим, бригада қолоқлар сафига тушиб қолмасин, топшириқни уддалай олмайдиганлар орамизда бўлмасин.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан областимиз меҳнат коллективлари дурust натижага эриша бошладилар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмасида, «Электрохимпром» комбинатида, бир қатор қурилиш ташкилотларида дастлабки кунларданоқ уюшқоқлик намуналари кўрсатилиб, ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилинмоқда.

Областимиз бошланғич партия ташкилотлари «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтаётган умумхалқ мусобақасини кенг қулоч ёйдириш учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Куни кеча бошланган чорвадорларга бағишланган навбатдаги ҳафталик эл маъмурчилиги учун курашаётган чорвадорларимиз ишларининг кўриги бўлади. Фермаларда, олис яйловларда меҳнат қилаётган чорвадорлар ҳақида яхшироқ ғамхўрлик қилиш, улар учун қулай шароит яратиб бериш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Зарбдор ҳафталиклар йил бўйи давом этади. Уларнинг якунларини вақтида чиқариб, ғолибларни муносиб тарзда шарафлаш, ҳафталиклар давомида вужудга келаётган янги ташаббус ва ватанпарварлик ҳаракатларини кенг ёйиш лозим.

Ҳамма ерда миллатлар эркин иттифоқининг рамзи бўлган буюк Ватанимиз — СССР 60 йиллигига муносиб совғалар тайёрлаш, юбилей йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашни авж олдирайлик!

Шубҳа йўқки, янги 1982 йил ҳам коммунистик бунёдкорлик йўлида янги зафарлар келтиради.

6 МИНГДАН ОШИРДИМ

—Сигирнинг сути — тилида деганларича бор. Кўп йиллик тажрибам буни исботлаб турибди. Говмушларим маҳсулдорлиги йилдан-йилга ортиб бораётган экан, бу — энг аввало, уларни тўйимли ем-хашак билан боқишни намунали ташкил этганлигимиз самарасидир.

Учинчи беш йилликнинг сўнгги йилида 32 бош сигирнинг ҳар биридан 6310 килограммдан сут соғиб олган эдим. Ўтган йили областимизнинг илғор чорвадорлари қатори моллар маҳсулдорлигини янада ошириш ташаббусига қўшилиб, боқимимдаги сигирларимни яна саккиз бошга кўпайтирдим ва уларнинг ҳар биридан 6400 килограммдан сут соғиб олишга сўз бердим. Янги йил арафасида бу юксак социалистик мажбуриятимни муваффақиятли бажардим.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил), Ўзбекистон Компартиясининг IV Пленумларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш вазифалари кўрсатиб берилди. Бу — биз, чорвадорларни барча имкониятларни ишга солишга, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга чорлаяпти. Шунинг учун мен янги йилда говмушларим маҳсулдорлигини 6500 килограммга етказишни режалаб қўйдим.

Бу миқдорда сут соғиб олиш учун зоотехник, сермаҳсул сигирларимни яхши парвариш қилиш, ширали озуқаларга тўйдириб боқиш чораларини кўряпман. Бу ҳозирги қиш кунларида, айниқса, муҳимдир. Говмушларим рацион асосида боқилаётганлиги туфайли ҳозир ҳам улардан 14—16 литрдан сут соғиб олаётирман.

Турсуной СЕРИКБОЕВА,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг сут соғувчиси.

ЯНГИ ЙИЛ ВАХТАСИ

«КОММУНА» совхози Паркент районидаги илғор чорвачилик хўжаликларидан биридир. Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини барча соҳада муваффақиятли якунладилар. Қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашни ҳозирданоқ бошлаб юборган чорвадорлар кундан-кунга соғин сигирлар ва бўрдоқига қўйилган қорамоллар маҳсулдорлигини ошириб бормоқдалар.

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остида бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашаётган совхоз фермаси ишчи ва хизматчилари айниқса, чорвадорларга бағишланган бу ҳафталикда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозирги қиш кунларида ҳам ҳар бир сигирдан 11—12 килограммдан ошириб сут соғиб олинаётир.

Сиз суратда кўриб турган хўжаликнинг илғор сут соғувчилари (чапдан) Муҳаббат Шукурова, Салтанат Мирзабоева, Карима Тўхтаевалар 1982 йилда ўзларига бириктирилган ҳар бир говмушдан 4100 — 4200 килограммдан сут соғиб олишга ахд қилганлар.

А. Абалян фотоси.

ЗАФАР ҚУЧАВЕРАМИЗ

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ва сифатлироқ ишлаб, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ва халқ фаровонлигини муттасил ривожлантириш — 11-беш йилликда кўзда тутилган улкан режаларнинг асосий мағзини ташкил этади. Шу жиҳатдан олганда беш йилликнинг биринчи йили районимиз аҳолиси учун сермазмун ва баракали бўлди.

Саноатчилар йил давомида 2666 минг квадрат метр ойна, 160 минг квадрат метрдан зиёд гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқардилар. Консерва, сут маҳсулотлари, галантерея буюмлари тайёрлаш, электр энергияси ҳосил қилиш ўтган йили анча кўпайди. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 41,4 миллион сўмга етказилди ёки шу соҳадаги план 105,5 процент бажарилди.

Ҳар қачонгидек 1981 йил ҳам Бўстонлиқ деҳқонлари ҳаётида ўз салмоғи ва файзи билан янги зарварақлар очди. Илғор тажриба ва фан ютуқларини иш жараёнига жадал ва оқилона жорий этаётган миришкорлар эл дастурхонини тўкин қилишга катта ҳисса қўшдилар. 1981 йилда давлатга 4400 тонна дон, 2333 тонна сабзавот, 3958 тонна картошка, 494 тонна мева, 1865 тонна узум топширилди. Бу эса 1980 йилдагига нисбатан анча кўпдир. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар бир тури бўйича гектар бошига ҳосилдорлик ортди. «Хўжакент» совхози, Фрунзе номли «Қизил ту» колхозларида галла ҳосилдорлиги 24-31 центнердани ташкил этди. Районимизда чорвачилик соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

Экономикамизнинг йилдан-йилга мустаҳкамланиши тўфайли турар-жойлар фонди кўпайди. Маданий-маиший, айниқса мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари қурилиши жадал олиб борилмоқда. Беш йилликнинг тўнғич йилида 11 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой, 3536 ўринли мактаб, 370 ўринли боғча ва яслилар қурилди. Қатор колхоз ва совхозларда маъмурий бинолар фойдаланишга топширилди. Район марказини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш бўйича катта тадбирлар амалга оширилди.

Ана шу ютуқларнинг қўлга киритилишида халқ ишончини қозонган депутатларимизнинг ҳиссаси катта. Район Совети, қишлоқ ва посёлка Советлари депутатлари бир йил давомида саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, турмуш маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар. Шу кунларда биргина саноат корхоналари ва чорвачилик фермаларида эмас, балки бепоён далаларда ҳам юксак кўтаринкилик билан давом этаётган меҳнат бундан далолат бериб турибди.

А. АИДАРҚУЛОВ,
халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг раиси.

АНОРБОЙНИНГ АҲДИ

Ўтган йил ҳосил эрта йиғиб олингач, шудгорлашга ҳам барвақт киришилди. Айни кунларда далалар кўч тўпламоқда...

— Ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилида ҳар гектаридан олинган ҳосил 40 центнерга етди, — дейди механизатор Анорбой Ҳакимов. — Янги йилда эса бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришмоқчимиз. Лекин бунинг ўзи бўлмайди. Бизнинг ерларимиз тошлоқ ерлар. Ана шуни ҳисобга олиб кузги-қишки ишларни сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бригада далаларини кўздан кечирган киши чиндан ҳам миришкорлар ўз аҳдларига яраша иш олиб бораётганлигининг гувоҳи бўлади. Экин майдонлари кафтдек қилиб текисланиб сув йўллари ҳам тозалаб қўйилди. Ҳозирги кунда маҳаллий ўғит тўплаш, далага ташиб чиқариш қизғин бораяпти.

Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг Нуъмон Оппоков бошлиқ бригадаси деҳқонлари ўтган йили 60 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш, гўза парваришда техникадан моҳирлик билан фойдаланилди. Бу ишларга механизатор Анорбой Ҳакимов бош-қош бўлди. Шунинг учун ҳам деҳқонлар унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Барака топсин, азамат механизатор, аввал транспорт тракторини ҳайдаш. Қизил Армия сафидан қайтгач, тўғри бригадамизга ишга келди. Интизомли, ориятли йигит. Шунинг учун ҳам тез орада обрў қозонди.

Шу кунларда колхоз деҳқонлари янги ҳосил тараддудини кучайтириб юборишлар. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Анорбой Ҳакимов пешқадамлик қилиб, бошқаларга ўрнак бўлаётир.

А. ТУЛАЕВ.

САРА УРУҒ—ЯРИМ ҲОСИЛ

ПУНКТДАГИ салобатли «оқ олтин» хирмонлари пахтакорларнинг ўтган йилги меҳнат шижоатини кўрсатиб турипти. Ҳа, Ўрта Чирчиқ районидаги кўпгина хўжаликлар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга пахта топшириш бўйича план ва мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Шу туфайли райондаги Кучлик тайёрлов пункти коллективи ҳам хўжаликлардан 5 минг тонна қимматбаҳо хом ашё қабул қилиб олди.

Ҳозир деҳқонлар бу йилги мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Тайёрлов пункти ходимлари ҳам янги ҳосил учун уруғлик чигит тайёрлашга киришганлар. Бу йил хўжаликларга 800 тонна уруғлик тайёрлаб бериш режаланган. Унинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилипти. Зеро, боболардеҳқонлар айтганидек сара уруғ ярим ҳосилдир.

Кейинги йилларда пункт коллективи пахта қабул қилиб олиш, уни авайлаб сақлаш, уруғлик чигит тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Жумладан, 1979 йилда бу пункт район тайёрловчилари ўртасидаги мусобақа голиби, деб топилган эди. 1980 ва 1981 йилларда ҳам тайёрловчилар меҳнат беллашувида пешқадамлик қилдилар.

Ваҳоланки, бундан тўрт йил илгари Кучлик тайёрлов пункти қолоқлардан ҳисобланарди. Унга агроном Болтабой Иброҳимов мудир қилиб тайинланганч, ишда катта ўзгаришлар рўй берди. Янги мудир ишни пунктни реконструкциялашдан бошлади. Қурилиш-тозалаш цехига янги механизмлар ўрнатилди. Бу пахтани ёғинсочинли кунларда ҳам қабул қилиб олиш, хом ашёни сифатли сақлаш учун хизмат қиляпти.

Тайёрловчилар пахтакорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган «оқ олтин» қайта ишлаш учун корхоналарга жўнатилгунга қадар сифатли сақланишини таъминламоқдалар. Бу соҳада механиклар акука Шерали ва Раим Дўстқулов, слесарь Николай Баймеев, электрик Виктор Белокосовларнинг хизматлари каттадир.

Тайёрлов пунктида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилган. Бу ерда фойдаланилмай ётган саккиз гектар ер ўзлаштирилиб, унда саб-завот экинлари, ем-хашак етиштирила бошланди, боғроғлар ташкил қилинди. Ёрдамчи хўжаликларда парваришқилинаётган сигирлар, товуқлардан олинаётган сут ва тухум тайёрловчилар дастурхонига тортиқ қилиняпти.

Пункт атрофига 4,5 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилган. Тайёрловчилар ёз бўйи уларнинг мевасидан баҳраманд бўлишади. Ёрдамчи хўжаликдаги 40 туп лимон ҳам ҳосилга кирган.

Шу кунларда пункт коллективи хўжаликлар учун уруғлик чигит тайёрлашни авж олдирган. Кўп ўтмай колхоз ва совхозларга сара уруғлик етказиб берила бошланади.

С. СУЛТОНОВ.

ФАХРЛИ НОМ УЧУН

Тошкент метрополитени ходимлари янги йилни муносиб кутиб олдилар. Улар партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, йиллик плани муддатидан илгари бажардилар. 86,7 миллион пассажир ташилди. Бир йилда мажбуриятдаги 960 минг киловатт-соат ўрнига 1 миллион 950 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Рационализаторлар 123 минг сўм йиллик иқтисодий самара бераднган 250 та таклифни тақдим этдилар.

Метрополитен ходимлари пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш борасидаги ишларни давом эттириб, ер остидаги темир йўлларга «юксак ишлаб чиқариш маданиятига ва намунали жамоат тартибига эга бўлган корхона» деган фахрли ном берилишига ҳаракат қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МАЖЛИСДАН СЎНГ

Доклад тугади. Залга бир зумлик сукут чўкди. Докладчи КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларни атрофлича кўрсатиб ўтди. Ўтган мавсумда қўлга киритилган ютуқларни муносиб баҳолади. Докладни яна қандай фикрлар билан тўлдириш мумкин? Залда ўтирган коммунистлар ҳозир шуни ўйлашарди.

Раислик қилувчи залга юзланди.

— Қани, музокараларни биринчи бўлиб ким бошлайди?

Бригада бошлиғи Абдураҳмон Бекмуродов атрофидаги кишиларга бир-бир қараб қўйди-да, кейин қўл кўтарди. Абдураҳмон акани ўтирганлар яхши билишади. У актив коммунист, уста пахтакор. Район партия комитети бюроси аъзоси сифатида колхозда катта ташкилий-тарбиявий ишлар олиб бормоқда. Раҳбар сифатида ҳам коллектив ўртасида ҳурмати баланд. Неча йиллардан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам А. Бекмуродов бошлиқ бригада коллективи маррага биринчилар қатори етиб келди. Гектар бошига 40 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили кўтарилди. Мусобақада голиб чиққан бригада саркори «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотланди.

— Ўтган йил ҳеч кимда тиним бўлмади, — деди у. — Ҳамманинг фикри-зикри об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, Ватанга мўл пахта етказиб бериш, бошқа соҳаларда ҳам рекорд натижаларга эришишда бўлди. Еш коммунист Йўлдош Саидов бригадамиз коллективи эришган ютуқларга айниқса кўп ҳисса қўшди. У ўз агрегати билан эрта баҳорда ерга чигит қадади, ёз бўйи пайкал оралаб ниҳолларга ишлов берди. Кузда эса терим машинаси рулига ўтириб, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб олишга киришди. Машинаси куну-тун тинним билмай ишлади. Азамат механизаторнинг бир ўзи бункердан 200 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди. Бундай фидокорлар ҳар бир бригадада бор. Улар ҳиссаси билан йил сайин пахта ҳосилдорлиги ошиб бораяпти. Бу йилда бригадамиз коллективи 45 центнерлик маррани эгаллаш тараддудини кўрмоқда.

— Мўл ҳосил учун замин шу кунларда қўйилади, — деди сўзга чиққан агрономэнтомолог С. Салоҳиддинов. — Шу кеча-кундузда барча жойларда кузги-қишки тадбирлар кизғин ўтказилмоқда. Бу тадбирлар қанчалик сифатли бажарилса, ернинг ҳосилдорлиги шунчалик ошади. Лекин шудгорлаш сифатига айрим жойларда эътиборсизлик билан қараляётганлиги бизни ташвишлантирмоқда.

Агроном-энтомологнинг бу сигнали дарров йиғилиш қатнашчилари эътиборини ўзига тортди. Шу ернинг ўзида шудгорлаш сифатини текшириш бўйича махсус комиссия тузилди. Комиссия аъзолари зиммасига конкрет вазифалар юкланди. Улар эртасигаёқ далама-дала айланиб, шудгорлаш сифатини текширишга киришдилар. Ўша куни комиссия аъзолари Раҳмонали Шарифбоев бошлиқ бригада далаларида беш гектарлик пайкал, Муқаддим Мақсудов бошлиқ бригада далаларида эса уч гектарлик пайкал саёз шудгорланганлигини пайқадилар. Дарров шу ерни ҳайдаган тракторчилар аниқланди. Уларни тракторлари билан тезда пайкал бошига олиб келишди ва ерни қайта шудгорлашга туширишди. Лекин бу ишга бир тийин ҳам қўшимча ҳақ тўланмади. Сифатсиз ишлаган тракторчилар ўз айбларини меҳнат билан ювдилар.

Комиссия аъзолари шудгорланган салкам бир ярим минг гектар майдоннинг ҳаммасини айланиб чиқишди. Шу ерлардан ўтган йил 6 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинган эди. Гектар бошига 38 центнердан

80-ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

хирмон кўтарилди. Янги йилда колхозчилар ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда. Бунинг учун эса ҳозирданоқ барча агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли бажариш талаб этилади.

— Йиғилишларда коммунистлар томонидан билдирилаётган танқидий фикр ва мулоҳазалар, фойдали таклифлар эътибордан четда қолмайди, — дейди Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари Асомиддин Мираҳмедов. — Ҳар бир таклифнинг бажарилиши назорат остига олинган. Танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Улар ҳозир изчиллик билан бажарилмоқда.

Ферма цех партия ташкилоти йиғилишларидан бирида оддий коммунист Назира Қўчқорова бузоқлар учун тайёрланаётган сунъий сут миқдорини кўпайтириш зарурлигини уқтирди. Таклиф ўринли эди. Чунки сунъий сут кўп жиҳатдан бузоқларга фойдали. Айни пайтда табиий сутни иқтисод қилиш имконини беради. Илгарилари сутнинг бир қисми бузоқларга берилар эди. Энди эса сунъий сут бузоқларга доимий равишда етказиб бериляпти.

Оддийгина бир таклиф билан фермада сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бузоқларнинг кундалик семириши нормадаги 530 граммдан 580 граммга кўтарилди. Соғиб олинган сутни давлатга топшириш анча кўпайди. Колхоз биринчилар қатори давлатга гўшт, сут, тухум топшириш йиллик планларини бажариб қўйди.

Ҳозир колхоз фермасида 1100 бошдан кўпроқ қорамол, отларда эса 3,5 минг қўй-эчки боқилаяпти. Чорва қишлови намунали ўтмоқда. Қиш фаслида ҳам сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори ортса ортяптики лекин камаймаяпти. Чорвадор коммунистлар олдиндан белгилаб олинган вазифаларни аниқ ва сифатли бажармоқдалар. Бу масала ферма цех партия ташкилоти йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда.

— Партком аъзолари ҳар бир цех партия ташкилотига бириктириб қўйилган, — дейди А. Мираҳмедов. — Улар тез-тез жойларда бўлиб, қўйи ячейкалар жанговарлигини ошириш, коммунистлар активлигини ўстиришга кўмаклашмоқдалар.

Колхозда 11 та цех партия ташкилоти бор. Уларга 106 коммунист бирлашган. Асомиддин аканинг ўзи 4-бригада цех партия ташкилотига оталиқ ёрдами кўрсатиб келаяпти. Эрта баҳорда у бригада дала шийпонини жиҳозлашга яқиндан ёрдам берган эди. Ўшанда ҳашар йўли билан шийпон ремонтдан чиқарилди. Жанговар шиор ва плакатлар билан безатилди. Тезда бу ер бригада пахтакорларининг севимли дам олиш масканига айланди. Шийпонда ёз бўйи турли хил қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Шийпон конкурсларда қатнашиб мукофотли ўринларни эгаллади.

Шароит соз бўлгач, ишга ҳам барака кирди. Пахта йиғим-теримига барча кишилар тўла сафарбар этилди. Пировардида етиштирилган ҳосил қисқа муддатларда йиғиштириб олинди. Гектар бошига 39 центнердан хирмон кўтарилди. Бригадада ҳозир кузги-қишки тадбирлар муваффақиятли бажарилмоқда. 140 гектар ернинг ҳаммаси ўғитланиб, чуқур шудгорланди. Суғориш системаси тартибга солинмоқда.

Партком аъзоларидан ҳдора ходими Мунира Қурбонова 1-бригадага, колхоз раиси Комилжон Азимов 2-бригадага, колхоз касаба союз комитети раиси Раҳматилла Холдоров 6-бригадага бириктирилган. Улар бу бригадалардаги цех партия ташкилотлари жанговарлигини оширишга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Ойда бир марта цех партия ташкилотлари секретарларининг семинарлари ўтиб турибди. Бу семинарларда ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларда тўпланган тажрибалар умумлаштирилмоқда, кишиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширишга ёрдам берувчи тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Партиявий ишнинг бу формаси барчага маъқул тушмоқда. Партком ўтказаётган тадбирлар таъсирчан бўлаётганлиги учун ҳам ишлаб чиқаришда йил сайин сезиларли ўзгаришлар ясалмоқда.

Ж. НОСИРОВ,
Чяноз райони.

СИЁСИЙ МАОРИФ СИСТЕМАСИДА

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида съезднинг йўл-йўриқлари ривожлантирилиб, конкретлаштирилиб берилди.

Жумладан, қарорда партия ўқувини ҳаёт талабларига, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига тўлиқ жавоб бериши лозимлиги алоҳида таъкидланган, ҳар бир машғулотнинг амалиёт билан мустаҳкам алоқасини таъминлашнинг йўллари аниқ-равшан кўрсатилган.

Шу муносабат билан бирлашмамиз партия ташкилоти партия Марказий Комитети қарорида баён қилинган кўрсатмаларни амалга ошириш учун бир қатор тадбирларни белгилади.

Жумладан, бирлашма коллективларида марксизм-ленинизм мактабларининг пропагандистлар составини тингловчилар контингенти пухта белгиланди. Зарур адабиёт ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, тавсиянамалар ҳозирланди.

КПСС Марказий Комитети қарорида ўқувнинг кундалик ҳаёт, коллектив амалий фаолияти, унинг янги беш йилликдаги вазифалари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ўқдирилган.

Бу борада бизда муайян тажриба тўпланган, деб айта оламиз. Ҳусусан, энг яхши пропагандистларимиз тингловчиларга амалий топшириқлар бериш методидан самарали фойдаланмоқдалар. Сиёсий маориф кабинети ходимлари ҳам бу ишга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Махсус семинар-кенгашлар ўтказилиб, мазкур методдан пропагандистларнинг ижодий фойдаланиши масалалари алоҳида муҳокама этилади, бу борада тегишли тавсиянамалар берилади.

Натижада бирлашмадаги ўн бешга яқин сиёсий мактаб пропагандистлари ўтган ўқув йилида тингловчиларга амалий топшириқлар бериш, уларнинг албатта бажарилишига эришиш, амалий машғулотлар давомида ишлаб чиқилган у ёки бу янгилик ва таклифларни жорий этиш борасида яхшигина тажриба орттирдилар.

Масалан, Энгельс номли совхоз пропагандисти Б. Саидов мазкур методни ўз машғулотларида фаол қўллаяпти. У деярли ҳар бир машғулотда бир-икки тингловчига амалий топшириқ беради, шундан кейинги машғулотда эса ана шу вазифа қандай бажарилганлигини бошқа тингловчилар билан бирга таҳлил қилади.

«Ривожланган социализм даврида КПСС иқтисодий сиёсати» мавзуини ўтишда эса тингловчилардан Б. Иброҳимов ва И. Камоловларга совхоз бўйича иқтисодий маълуметларни жамлаш ва уларни таҳлил қилиш топширилди.

Навбатдаги машғулот шу сабабли ҳам қизиқарли ўтди. Тингловчилар ишчилар меҳнатини ташкил этишни яхшилаш, ҳосил йиғим-теримида техника ва транспортдан рационал фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш масалалари юзасидан қимматли фикрларини билдирдилар. Улар ҳисоблаб чиқишича, йиғим-терим мавсумида ишни тўғри ташкил этиш ҳар бир бригада меҳнат унумдорлигини 15—20 процент, маҳсулот ҳажмини эса 20—25 процент ошириш имконини берар экан.

Кейинчалик, тингловчиларнинг ана шу таклифлари асосида тегишли тадбирлар кўрилди ҳамда ҳосил теримини уюштиришда кенг қўлланилди.

Пропагандист У. Абдужабборов ҳам ўз машғулотларида амалий топшириқлардан моҳирона фойдаланади. Тингловчилар ўз иш участкаларидаги аҳволни иқтисодий таҳлил қилиб, йўл-қўйилаётган у ёки бу камчиликни бартараф этиш соҳасида бевосита иштирок этмоқдалар. Жумладан, тингловчилардан У. Матхоликов ва В. Перевертовларнинг таклифлари билан ишчи ўринларини ташкил этишнинг типовой лойиҳаси такомиллаштирилди. Бунинг натижаси ўлароқ тўртта линияда меҳнат унумдорлиги 2—3 процент ўсди, ишчилар сони олти кишига қисқариб, иш ҳақи фондидан йилига етти минг сўмгача маблағ тежаб қолиш имкони туғилди.

Тингловчи С. Салимбоев эса вино заводи ойна тараси цехида идишларни ювадиган машина олдида нурли экран ўрнатиб, шу ишда идишларнинг қай даражада тоза ювилганлигини аниқлашни таклиф этди. Механика-ремонт заводида худди шундай экран тайёрланди.

Янги ўқув йилида ҳам пропагандистларимиз амалий топшириқлар бериш методидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, у ёки бу мавзуни ўтишда муайян иш участкаси фаолияти тўғрисида қўшимча маълумотлар тўпланиши, ишлаб чиқаришнинг таҳлил этилиши, тегишли схема, диаграмма ёки жадваллар тайёрланиши, ҳафталик халқаро воқеалар бўйича ахборотлар ёзилиши ўқувнинг самарадорлиги ва мазмундорлигини шубҳасиз оширяпти.

Биз ,методистлар, тарғиботчиларнинг бу борадаги изланишларини янада давом эттиришлари учун алоҳида семинарлар, консультациялар ўтказиб, амалий топшириқлар методининг афзалликларини ёш пропагандистларга пухта тушунтириш, уларни тегишли тавсиялар билан таъминлаш ниятидамиз.

В. ЛАМБИНА,
Усмон Юсупов номли саноат-аграр бирлашмаси сиёсий маориф кабинетининг мудири.

ЧИРЧИҚДАГИ қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчи-хизматчилари янги 1982 йилни зарбдорчасига бошладилар. Корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларида йилнинг дастлабки сменаси кўрсаткичлари юқори бўлди. Техника назорати бўлимининг ишчилари эса тайёрланган маҳсулотларнинг фақат сифатли бўлишига алоҳида эътибор бердилар. Суратда: шу бўлим назоратчиси Нина Запорожченко иш устида. У смена топшириғини 115 процентга етказишга эришди.

Е. Ботиров фотоси.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЙЎЛОВЧИ МИННАТДОР БЎЛСИН, ДЕЙМИЗ

ЭСКИ ҳовлимиз трамвай йўлидан бир чақиримча нарироқда эди. Ўша жойга келганда трамвай йўли бурилардди ва трамвай у ердан ўтаётганда гудокка ўхшаш галати товуш чиқараради. Мен негадир шу товушни яхши кўрардим, ҳар тонг шу «гудок»дан уйғонардим. Чамаси, биринчи трамвай ўтганида, сокин тонгда бу гудок янада жозибалироқ, тиниқроқ эшитиларди қулоғимга. Ишлигимдан темир-терсакка, велосипедга, мотоциклга ишқибоз бўлганлигим учунми, трамвай ҳайдовчиси бўлиш мен учун катта бир касбий эгаллашдек орзу эди. Бу орзуимга етдим ва трамвай ҳайдаш ҳақиқатан ҳам катта, шарафли касб эканлигига ишондим. Чунки, ҳар куни минглаб одамларни манзилларига элтиб қўйсан, узоғини яқин қиласан. Уларнинг миннатдорчилигини эшитасан. Ахир ҳар бир инсон учун элга хизмат қилишдан, одамларнинг эътиборидан қолмасликдан ортиқ бахт борми?

Пойтахт шаҳримиз электр транспорти кейинги йилларда жадал тараққий этмоқда. Қўшимча 37,2 километр трамвай, 43,2 километр троллейбус линиялари фойдаланишга топширилиши бунинг ёрқин далилидир. Трамвай ва троллейбус линиялари ҳар бирининг узунлиги эса ҳозирги кунда 250 километрга етди. Шундай бир пайтда электр транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бунинг учун биринчи навбатда ҳайдовчилар малакасини ошириш ва транспорт воситасининг ҳамиша юксак техникавий шай ҳолатда бўлишини таъминлаш зарур. Бизнинг коллективимизда худди шу омилларга катта эътибор бериляпти.

Қўзланган мақсадга эришиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва хизмат маданиятини ошириш учун бригада пудратини янада кенгроқ жорий этиш зарур. Транспортни пишиқ-пухта ремонт қилиш ҳам энг муҳим масалалардан биридир. Ҳозирча эса эътиборсизлик билан ремонт қилинган трамвайларнинг смена тугамасдан депога қайтиб келиш ҳоллари учраб турибди. Шунингдек, айрим эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ҳаракат мунтазамлигининг нормал ҳолда бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мен меҳнат қилаётган корхона ҳайдовчиларининг кўпчилиги катта иш тажрибасига ва бой малакага эга бўлган кишилардир. Улар барча қийинчиликларни енгишга ўрганиб қолишган, йўловчиларни манзилга хавф-хатарсиз етиб олиши учун жавобгарликни яхши ҳис этадилар. КПСС XXVI съезднинг делегати З. Мильдубоева, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Абдулҳаева, миллион километр йўлни авариясиз босиб ўтган М. Донковцева, Р. Ашурбекова, Н. Икромовлар юксак маданиятли хизмат кўрсатиш мусобақасида олдинги сафда боришяпти. Ўз касбининг усталари, пешқадам ҳайдовчилар Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллиги нишонланадиган улуғ айёмгача ўн биринчи беш йиллик шахсий планини бажариш мажбуриятини олишган. Уларнинг қўксида «Авариясиз ишлагани учун» фахрий нишонлари порлаб турибди.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори биз электр транспорти бошқарувчиларини ҳам янада самарали меҳнат қилишга илҳомлантиряпти. Ҳозир 7, 9, 11, 16- трамвай маршрутлари «Намунали хизмат маршрути» деган шарафли ном остида йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Улар топшириқларни ҳам мунтазам ошириб бажаришяпти.

Улар қаторида мен ҳам ҳамшаҳарларим учун фойдали ишни бажараётганлигимдан, одамлар учун хизмат қилаётганлигимдан мамнунман. Ўтган беш йилликда 8 йиллик нормани бажардим. Бу беш йилликда мазкур кўрсаткични янада ошириш ниятидаман. 11- маршрутда 2205-номерли вагонни бошқариб, ўтган беш йилликда планда-дагидан ташқари 645 минг йўловчини манзилига элтдим ёки давлат кассасига 19 минг 356 сўм маблағ топширдим. Беш марта «Социалистик мусобақа голиби» нишони ҳамда «Шаҳарнинг энг яхши ҳайдовчиси» деган фахрли номни олишга муваффақ бўлдим. Шунингдек, камтарин меҳнатимнинг Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланиши мени янгидан-янги галабалар сари илҳомлантиради.

Тошкентнинг 2 минг йиллиги нишонланадиган юбилей йили — 1983 йилда трамвайлар билан 130, троллейбуслар билан 95 миллион йўловчи манзилларига етиб қўйишни кўзда тутилган. Шахсан мен бу табаррук тўй арафасида ўн биринчи беш йиллик шахсий планимни бажариш ниятиёқидаман.

Ҳаким СОДИҚХЎЖАЕВ.
Тошкентдаги 2-трамвай депосининг ҳайдовчиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙИЛАБ

САМАРҚАНД «СНЕЖИНКА»СИ

▲ САМАРҚАНД. Самарқанд холодильник заводи кўплаб ишлаб чиқаришга киришган янги «Снежинка» холодильниклари республика магазинларига юборила бошлади.

Янги маҳсулот — бундан аввал чиқарилган модель— «Самарқанд» аппаратлари шаънига харидорлар билдирган кўпдан-кўп таниқидий мулоҳазаларга коллективнинг иш билан берган жавобидир. Иш камераси 240 литрга борадиган «Снежинка»нинг герметиклиги оширилган, муздхонаси ярим автоматик эритиш системаси билан таъминланган, Совитиш температураси минус 6 градусдан минус 12 градусгача пасайтирилган бўлсада, электр энергия сарфи аввалгидек қолаверди. Янгилик Бутуниттифоқ рўзғор электр машиналари ва приборлари илмий-тадқиқот институтининг давлат синов марказида (Киев) қаттиқ имтиҳондан яхши ўтди.

ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

▲ ҚАШҚАДАРЁ «Облколхозстрой» трестига қарашли Ғузор колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг К. Каримов бошлиқ комплекс бригадаси «Партия XXII съезди» совхозида кооператив уй-жой қурилишини муддатидан бир ой илгари тамомлади. Злобин методидан фойдаланилганлиги коллективнинг ишларини жадал бажаришига кўмаклашди. Бу эса бригада аъзоларининг ўз маҳоратини такомиллаштиришдан, ижодий иланишни кўпайтиришдан манфаатдорлигини оширди.

Бригаданинг меҳнат календарида янги 1982 йил бундан бир неча ой илгариёқ бошланган эди. Бунда моҳир уста, ўз тажрибасини коллективнинг барча аъзоларига саҳийлик билан ўргатаётган бригадир К. Каримовнинг хизмати катта. У билан бирга бригадада бинокорлик касбини ардоқлаган икки укаси ишламоқда.

ЯНГИ МАДАНИЯТ САРОЙИ

▲ ФАРҒОНАДАГИ «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари янги йил арафасида яхши туҳфа олдилар — бу ерда «Химик» маданият ва техника иқтидёти саройи фойдаланишга топширилди. Янги маданият масканида 600 ўринли томоша зали, лекциялар зали, қироатхона, кутубхона, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг машғулотлари, техника иқтидёти тўгараклари учун ҳоналар бор. Комплексда шунингдек спорт зали, усти ёпиқ бассейн ҳам қурилган.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ҲАР СОҲАДА НАМУНА

ҲАР ГАЛ ака-ука Жўра ва Мурод корхонага кираверишдаги «Ҳурмат тахтаси»ннда бир-бирларига маъноли жилмайиб қўйишади. Бу ерда бироз қадамларини секинлаштириб, мамнун бир қиёфада яна йўлларида давом этадилар. Ахир бундай ҳолдан ким қувонмайди дейсиз: мана бир неча йиллирки, Азиз комбинат илғорлари сафида келяпти. Мунтазам социалистик мусобақа голиблари қатори тилга олинади. Отанинг босиб ўтган йўли фарзандлар учун ҳам ибратли бўлди. Шунинг учун 3 ўғил Азиз ака етакчилик қилаётган бригадага келиб қўшилдилар...

Азиз Икромов бу касбда ишлаётганига 20 йиллан ошиб кетди. Унинг меҳнат дафтарчасида фақат комбинатда ишлаётганлиги қайд этилган, холос. Лекин, донгдор ишчининг номини райондаги барча кишилар ҳурмат билан тилга оладилар. Ҳар соҳада илғор, ташаббускор ветеран иш тажрибасини ўрганишга ошиқадилар.

Бу бригада аъзоларини бир дақиқа хотиржам ўтирганини учратмайсиз, — дейди «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли ёғочсозлик комбинатининг директори М. Яхёев. — Доимо қандайдир масала устида баҳс юритишаётганини, унумдорликни янада ошириш резераларини масаласида фикрлашаётганларини кузатиш мумкин. Лекин, кундалик изланишлардан қатъий назар смена топшириқлари икки ҳисса қилиб бажарилади.

Бу бежиз эмас, албатта. Бригада аъзолари беш йилликда ўн йиллик планини бажариш мажбуриятини олдилар. Бу эса ҳар бир дурадгор-устани янада самаралироқ меҳнат қилишга даъват этди. Фойдаланилмаган резервлар ишга солинди. Натижа чакки бўлмади: 6 ой ичида съездлар йили топшириғи шараф билан адо этилди. Июль ойида эса 250 куб метр ўрнига 591,98 куб метр ёғоч қайта ишланиб, иморатбоп тахта маҳсулотлари тайёрланди. Август ойида эса бу кўрсаткич 630 куб метрга етди... 10 ойда 6200 куб метр ёғоч қайта ишланиб икки йиллик план ошириб бажарилди. Шу кунларда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилинмоқда.

ЛАВҲА

Коллектив олган мажбуриятда беш йиллик давомида пландан ташқари 1500 куб метр иморатбоп тахта маҳсулотлари тайёрлаш, 13 минг сўмлик қимматбаҳо материалларни тежаб қолиш қайд этилган. Дастлабки йил якунлари илғор бригада юксак марра сари шаҳдам одимлаётганлигини кўрсатди. Бугунгача тежамкорлик борасида коллектив эришган натижалар, айниқса, диққатга сазовор.

Бригада бошлиғи корхонада тежамкорлик ҳаракатига ўзи асос солди, десак муболаға бўлмайди. У хом ашёлардан рационал фойдаланишнинг асосий омилларидан бири — иморатбоп ромлар тайёрлаш жараёнида ёғочларга такрор ишлов берилишига йўл қўймасликда, деб билади. Бундай ҳолларда кўплаб материаллар чиқиндига айланади. Шундан сўнг ўз қўл остидаги ёшлар билан ана шу масалага алоҳида эътибор бериб меҳнат қилди. Бугунга келиб етакчи бригада тежамкорлик ҳаракатида ҳам социалистик мусобақа голиблари сафидан ўрин олиб турибди. 2590 сўмлик тежалган маҳсулотлардан иморатбоп тахталар тайёрланди.

— Мусобақадош бригада аъзолари ютуқларингизнинг сири нимада, деган савол билан мурожаат қилишади, — дейди А. Икромов. — Аввало қунт билан, иштиёқ билан меҳнат қилишда, ҳар бир ишчининг ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлишида. Қолаверса, физкультура ва спорт ҳар бир бригада аъзосининг севимли машғулотига айланган. Бу эса тетиклик, бардамлик манбаи, келгуси ютуқлар омили ҳам демакдир.

А. Икромов бир неча бор корхона ва районда ўтказилган кураш мусобақаларида иштирок этган. Ҳақиқий спорт ихлосмандларидан. Ота ўз фарзандлари қалбида ҳам физкультура ва спортга қизиқиш уйғота олди. Улар комбинат спорт секцияларида ўз маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Бу ерда ҳам уларга ота боши, бригада етакчиси — Азиз Икромов раҳбарлик қилади.

— Бугунгача пешқадам бригадир 30 га яқин дурадгор 20 дан знёд спортчи тарбиялаб етиштирди, — дейди директор М. Яхёев.— Кун сайин уларнинг сафи ортиб бормоқда. Қувончлиси шундаки, уларнинг ҳар бири спортда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам — ҳар соҳада намуна бўлган устоларига тенглашишга ҳаракат қилишяпти.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАМИЗ

Шаҳримиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг тўғриғ йилини яхши якунладилар. Саноат, қурилиш, экономиканинг бошқа тармоқлари ғалаба ривожланди. Айниқса, бинокорларимиз меҳнати натижаси самарали бўлди. Улар кўплаб ялғи саноат объектлари, минглаб квадрат метр сахнли уй-жойлар қуришди. Юзлаб оилалар янги йил байрамини шу уйларда кутиб олдилар.

Бунёдкорлик ишларига бригадамиз коллективи ҳам озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшмоқда. Биз йил давомида Ангрен керамика комбинатининг янги ишлаб чиқаришларини қувватларини барпо этишда банд бўлдик. Бу муҳим объект қурилишида бошқа бригадалар коллективлари билан яқин ҳамкорликда ишлаганлигимиз учун ҳам меҳнат кўрсаткичларимиз юқори бўлди. Ҳар ойда у ўрта ҳисоб билан 180 процент ва ундан ортиқроқни ташкил этди.

Коллективимиз Янги йил байрамини муносиб кутиб олди. Керамика комбинатининг янги объектлари қурилиш ниҳоясига етмоқда. Бу йил эса замонавий нон заводи қурилишини олиб борамиз. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланадиган бу заводда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бинокорларимиз бу муҳим объект қурилишини барвақт тугаллашга аҳд қилдилар. Биз заводни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигигача фойдаланувчилар ихтиёрига топширмоқчимиз. Ваъдамизнинг уддасидан чиқиш учун бутун маҳорат, тажрибамизни сарфлаб меҳнат қиламиз.

А. С. ЗБОРИВЕЦ,
«Узбекшахтострой» трестининг пудратчи бригадаси бошлиғи.

СССР 60

ЧОРВАЧИЛИК ХОДИМЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАФТАЛИК

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК МАНБАИ

СОҒЛОМ БУЗОҚДАН СЕРСУТ СИГИР

КОММУНИСТИК РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ БУЗОҚЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН КОМПЛЕКСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

КОЛХОЗИМИЗ фермасини сермаҳсул ғунажинлар етиштиришга ихтисослаштириш 1976 йили бошланган эди. Ўшандан бери мавжуд молхоналарни реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ҳисобига комплекс 1,5 баравар кенгайди. Ҳамма асосий йўллар бузоқлар кундузи яйратиладиган текис асфальтланган. Ёпиқ ва очиқ майдонларни гўнгдан тозалаш ва ташиб чиқариш механизациялаштирилганлиги учун комплекс территорияси доимо озода ва саранжом-саришта.

Хўжаликлардан ёш бузоқларни қабул қилиб олиш, парвариш қилиш ва эгаларига қайтариш аниқ графикка бўйсундирилган. Ҳар бир хўжалик фермасида 15—20 кунлик зотдор ва соғлом бузоқлар ажратилиб, зооветеринария кўригидан ўтказилиб, сўнгра комплексимизга келтирилади. Шу йўл билан ҳар ойда 40—50 бош бузоқ қабул қилиб турилади.

Бузоқлар ёшига қараб группаларга ажратилади ва олтита технологик даврга бўлиб парвариш қилинади. Биринчи, иккинчи ва олтинчи даврларда парвариш муддати 75 кун, учинчи, тўртинчи ва бешинчи даврларда 150 кунни ташкил этади.

Биринчи даврда 15 кунлик бузоқлар уч ойлик бўлгунча боқилади. Дастлабки ўн кун давомида якка катакларда асралиб, сўнгра группаларга бўлинади. Группалардаги бузоқлар сони 15—20 тадан ошмайди. Улар 1,5 ойлик бўлгунча қаймоғи олинмаган сут билан боқилади. Шу даврда улар майдаланган дағал озуқа, ўт толқони ва омуҳта ем ейишга ўргатиб борилади. Бузоқлар 1,5 ойлик бўлгач, бошқа кенгроқ хонага ўтказилади. Бу ерда улар кунига икки маҳал озиқлантирилади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бузоқлар уч ойлик бўлгунча группаларга бўлиб, яйдоқ парвариш қилинса, якка катакларда боқилганларига нисбатан тез этига эт қўшилиб, дуркун ўсади.

Бузоқлар уч ойга тўлгач, парваришнинг иккинчи даври бошланади. Бу группадаги бузоқлар янада кенгроқ хонага олиниб, бир кеча-кундузда икки марта озиқлантирилади. Қишлик рацион 5 килограмм силос, 1,5 килограмм хашак, 1,3 килограмм омуҳта емдан иборат. Ёзда силос ва хашак ўрнига кўк масса берилади.

Беш ярим ойлик бузоқлар 70×140 сантиметрли боксларга ўрнатилган хоналарга кўчирилиб, парваришнинг учинчи даврига ўтилади. Ёз ва куз ойларида бузоқлар очиқ майдонларда сақланади. Майдон ўртасига охурлар ўрнатилган бўлиб рацион миқдори аввалги даврдагидан, албатта, юз фоиз қочиришга қаратилади. Вазни 320 килограммдан кам бўлган ғунажинлар бу группаларга қўшилмайди.

Группадаги ҳамма бузоқлар қочириб бўлингач, бош ветеринария врачи уларнинг бўғозлик ҳолатини текширади. Бўғоз бўлмаган бузоқлар ҳисобдан чиқариб ташланади ва парваришнинг сўнгги, олтинчи даврига ўтилади. 23—24 ойлик бўлгунча боқиладиган бу бўғоз ғунажинлар учун уларнинг ўзлари ва туғилажак бузоқларнинг нормал ўсишини ҳисобга олиб рацион белгиланган. Қочирилгандан сўнг 6 ой ўтгач, ғунажинлар хўжаликларга қайтарилади.

Шундай қилиб, бир бош бузоқни 23—24 ой боқиш даврида уларни бир центнер семиртириш учун ўртача 181 сўм маблағ ва 10,6 озуқа бирлиги сарфланади. Бир бош ғунажинни парвариш қилиб етиштириш 693 сўмга тушяпти. Фойда эса 138 сўмга тўғри келаётир.

Эндиликда биз ҳар йили 450—500 бош зотли ғунажин реализация қилишга эришмоқдамиз. Шуниси қувончлики, улар дастлабки соғишдаёқ 10—12 килограммдан сут бераётир. Сигирлар подасини комплексимизда етиштирилаётган ғунажинлар билан тўлдираётган Паркент райони хўжаликлари биздан миннатдор бўлмоқдалар. Демак, районимизда бузоқчиликка ихтисослашган комплекс қуриб тўғри иш қилинган. Бу камсут жайдари сигирларни тезроқ йўқотиб, ҳамма хўжаликларни сермаҳсул қора-ола зотли сигирлар билан таъминлаш имконини беради.

Бироқ, беш йиллик тажриба шуни кўрсатдики, бу хайрли ишни янада кенг қулоч ёйдириб, такомиллаштириш имкониятлари бор. Фойдаланишнинг иложи бўлмаётган резервлар кўп. Масалан, биз реализация қилаётган ғунажинларнинг ўртача тирик вазни 330 килограммдан ошмаяпти. Бу эса уларнинг келажакда сутларини кўпайтириш имкониятларини чеклаб қўяди.

Асосий иллат аксарият хўжаликларда бўлгани каби озуқа, айниқса, омуҳта ем етишмаслигидадир. Комплексларимизда йил давомида турли ёшдаги 1200—1300 бош бузоқ парвариш қилинади. Зооветеринария талабларига кўра уларга бир йилда камида 430 тонна омуҳта ем берилиши керак. Амалда эса 150 тонна, яъни уч баравар кам ем олаётирмиз. Демак, бузоқлар ҳар қанча зотли бўлмасин, нормадаги омуҳта емнинг учдан бирининг истеъмол қилиб, ўсганлиги сабабли маҳсулдорлик хусуснятини қисман бўлсада йўқотиши табиийдир.

Қолхозда суғориб экиладиган ер майдони чегараланган. 580 гектар пахта учун, 455 гектар канап учун ажратилади. Қолган 184 гектар ерга озуқа экинлари экамиз. Шундан 134 гектари бедазор. 50 гектарига силос учун маккажўхори экилади. Бу нормадагидан, қарийб, тенг баравар кам.

Фактларга мурожаат қилайлик. Зотли бузоқларни зооветеринария талаблари асосида боқиш учун уларнинг ҳар бирига камида 0,25 гектар озуқа экинлари майдони тўғри келиши лозим. Демак, озуқа етиштириш учун камида 325 гектар майдон ажратилиши керак.

Қишловнинг ўзига 3200 тонна силос бостириш ва 800 тонна хашак жамғариш талаб этилади. Бедазорларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва камида 5 марта ўриб олиш ҳисобига хашак тайёрлаш планини бажарялмиз. Аммо, зарур миқдорда силос бостиришнинг иложи бўлмаяпти. Масалан ўтган йили 3200 тонна ўрнига 1750 тонна силос бостирилди, холос. Сабаби—50 гектар ўрнига 35 гектарга маккажўхори экишга мажбур бўлдик. Қолганига картошка экилди. Чунки, ўтган йили 15 гектар ҳисобидан картошка плани ҳам берилган эди.

Оқибатда бошқа хўжаликлардан силос сотиб олишга мажбур бўлаяпмиз. Бу эса жуда қимматга тушаётир. Масалан, ўтган йили 500 тонна силоснинг ҳар килограммини 5 тийиндан, жами 25 минг сўмга сотиб олдик. Бу йил эса, ундан ҳам икки баравар кўп силос сотиб олишимиз керак.

Бузоқларни сунъий сут билан таъминлашда ҳам кўпгина қийинчиликларга дуч келаётирмиз. Комплексимизда сунъий сут тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар бор. Биз 1979 йилдан 1980 йил январигача Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ёрдами билан тажриба ўтказдик. Маълумки, бузоқлар 1,5 ойга тўлгунча қаймоғи олинмаган сут билан боқилади. Тажриба ўтказиш учун 45 бош бузоқдан алоҳида группа ташкил этилиб, нормадаги 350 килограмм қаймоғи олинмаган сут тенг баравар камайтирилади ва ўрнига 315 килограмм сунъий сут бериб боқилди. Натижа шу кутганимиздан ҳам яхши бўлди. Масалан, сунъий сут бериб боқилган группадаги бузоқлар бир кеча-кундузда умумий группадагига нисбатан 60—70 грамм ортиқча семириб борди. 6 ойлик бўлганда эса, тирик вазнларидаги фарқ 12 килограммга етди.

Шундай қилиб, синов даврида ҳар бош бузоқ ҳисобига 175 килограмм қаймоғи олинмаган сут тежаб қолинди. Бу 71 сўм 87 тийинни ташкил этади. Комплексимизда шу йўл билан ҳар йили камида 10 тонна сутни тежаб қолиш мумкин. Афсуски, таъминот масаласи ҳал этилмаган. Ўзимизда сунъий сут тайёрлаш учун зарур бўлган оқсил, микро ва макроэлементлар ҳар доим топилавермайди. Мутасадди ташкилотлар эса сунъий сут билан узлуксиз таъминлай олмайдилар.

Ана шу муаммолар қанча тез ҳал этилса, шунча яхши. Чунки, омуҳта ем ва бошқа озуқа турлари етарли бўлса, комплексимиз область хўжаликларига янада йирик ва серсут сигирлар етказиб бераверади.

Константин ЛИ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз раиси.
Исак КИМ,
колхоз бош зоотехниги.

ОҚҚУРҒОН районидаги Куйбишев номли колхоз чорвадорлари 1981 йилда давлатга 470 тонна сут, 62 тонна гўшт, 100 минг дона тухум топшириб, бу борадаги социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Хўжалик чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Суратда: (чапдан) хўжаликнинг пешқадам сут соғувчилари Халима Номозбоева, Инобат Абдураҳмонова, ферма мудири Турсунбек Утамишев, Шарофат Тўрабекова ва Маҳбуба Сафаровалар иш якунини таҳлил қилишмоқда.

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ...

СИГИР — сут, қаймоқ, қатиқ, ёғ, қолаверса гўшт демак. Аввалги удумимизга кўра бирор оилада қиз турмушга узатилса, унга битта сигир совға қилинарди. Бу хонадондан мол туёғи ариқмасин деган ниятда қилинарди.

Мен колхозчи бўлиб ишлайман. Бу йил бригадамиз аъзолари сабзавот ҳосилдорлигини гектар бошига 350 центнерга етказишди. Картошкадан гектар ҳосибига олган ҳосилимиз 177 центнер бўлди. Бунинг ҳаммасига колхозчиларимиз ўз ишларига сидқидилдан ихлос қўйганликлари учун эришилди. Ҳозир ҳам бўлажак ҳосил гамида далага ўғит ташиб чиқармоқдамиз.

Гарчи колхоз ишлари бош вазифа бўлса ҳам хонадонимиздан сигир, қўй, парранда ариётгани йўқ. Фарзандларимиз хонадонимиздаги сут, қатиқ, қаймоқдан доимо баҳраманд.

Бизнинг қишлоқда ёш болалар ҳам чорвага ихлос билан қарайди. Оиламизда жониворларга қараш, очиқ ҳавода яйратиш, ўт олиб келиш фарзандларим Орифжон ва Гофуржон зиммасида. Улар қачон молларни суғориш, озиқлантириш кераклигини жуда яхши билишади.

Хонадонимиздаги бир сигир, икки бузоқ ва икки қўй болаларни чарчатиб қўймайдими? — деган савол туғилиши мумкин. Йўқ. Агар шу жониворлар бўлмаганда улар бўш вақтларини беҳудага сарфлашарди. Ҳозир эса уларнинг ҳар бири сигир ва қўйни тақсимлаб олишган. Кимнинг сигири кўп сут беради, кимнинг қўйи кўп семиради, деган мусобақа ҳам бор. Баҳорда эса кимнинг қўйи эрта қўзиласа, шунинг оғзи қулоғида. Сигирларни соғишда уларга қизим Баҳор ёрдам беради.

ХЎЖАЛИК ШАХСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

Ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимиз шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришга катта эътибор бермоқда. Бу — ҳар ким ўз имкониятига яраша хонадонида мол сақлаши мумкин, деган сўз. Лекин бунда кўп мол сақлаб, шахсий бойлик ортириш лозим, деган ҳаёлга бормаслик керак. Аксинча, халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда биз давлат томонидан бериладиган маҳсулотга қараб турмасдан, уни кўпайтиришга қўлдан келганча ўз улушимизни қўшмоғимиз даркор.

Сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг 4—5 литри оиламиз эҳтиёжини тўла қондиради. Қолганини эса колхозга топширяпмиз. Шу йўл билан бир йилда 1,5—2 тонна атрофида сут топширишга эришмоқдамиз. Бунинг учун хўжаликдан озуқа, ем, пул ҳам олиб турамиз. Фақат биз эмас, балки қўшниларимиз Тўхтамурод Бобоев, Қалия Қувватова ва Бибисора Дусимбековалар оиласи ҳам худди шундай иш юритишяпти. Бундан колхозга ҳам ёрдамимиз тегяпти, оилада ҳам тўкинсочинлик бўляпти.

Шахсий хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун қишлоқ Совети бир томондан, хўжалик раҳбари иккинчи томондан жонкуярлик қилиши керак. Колхозимиз раҳбарлари худди шундай иш тутишяпти. Натижада қишлоғимиз меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашга ўзларининг ҳолисона муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Оиламиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, бундан кейин ҳам шахсий чорвачиликни ривожлантиришга келишиб олдик. Ҳозир сигир, қўй, парранда боқяпмиз. Гарчи колхозга тухум, парҳез гўшт топширмасак-да, шу йўл билан ўз оиламизни таъминлаяпмиз. Қани энди колхозимиз территориясидаги Туман, Карл Маркс номли ва Қизил Ўзбекистон участкаларида истиқомат қилувчи ҳар бир оила ҳам шундай иш тутса. Бу умумдавлат ишига ҳар ким ўз улушини қўшган бўларди.

Ғ. ҲАМИДОВ.
Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси.

КУНИГА 950—970 ГРАММДАН

Областимиздаги йирик саноатлашган чорвачилик комплексларидан бири Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида Кулича Айтбоева номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бир неча йилдирки, операторлик касбини эъзозлаб келаётган чорвадор меҳнатда эришаётган натижалари билан комплексда донг таратмоқда. У ўзига бириктирилган 200 бош қорамолни кунига мажбуриятдаги 850 грамм ўрнига 950—970 граммдан семиртиришга эришмоқда.

—Мен бундай ютуққа моллари қатъий режим ва рацион асосида парваришлаш туфайли эришмоқдаман, — дейди у. — Келажакдаги режаларим катта. Суткалик семиртириш вазнини 1000 граммга етказишни ўз олдимга мақсад қилиб олганман. Бу эса партиянинг XXVI съезди минбаридан туриб «Чорвачилик — зарбдор фронт» деган давватига меннинг амалий жавобим бўлади.

Р. ЙЎЛДОШЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

МАНАГУА. Сальвадордан хабар беришларича, Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти Морасан департаментини тамомила ўз назоратига олди. Бу департамент ҳали яқиндагина хунта кенг қўламда амалга оширган жазо операциялари майдони бўлиб қолган эди.

Ватанпарварлар янги йил арафасида мамлакатнинг шимолий-шарқида қаттиқ ҳужумни кучайтириб юборишдилар. Улар ҳукмрон режимнинг АҚШдан келган «маслаҳатчилар» раҳбарлигидаги қўшинларига бир неча бор зарба бердилар. Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар беради: жазо отрядларининг кейинги вақтларда ўтказган операцияларидан қузатилган мақсадлардан бири ана шу радиостанцияни йўқ қилиб юборишдан иборат эди. Партизанлар кейинги 24 соат мобайнида хунта солдатларини аҳоли яшайдиган учта муҳим пунктдан суриб чиқардилар. Шу билан бирга улар Америкада ишлаб чиқарилган иккита вертолётни яксон қилдилар ва душмандан тортиб олинган аслаҳалар билан ўз қурол-яроғларини қўлайтирдилар. Морасаннинг кенг территорияси яна озод зона бўлиб қолди. Ватанпарварлар мамлакатнинг бошқа районларида ҳам ўз ҳужумини муваффақиятли равишда кучайтириб бормоқдалар.

(ТАСС).

ЖИПСЛИККА ДАЪВАТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия Комитетининг раиси, Тель-Авив АҚШ бошлиқ халқаро империализмнинг беҳад ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий мададидан фойдаланиб келаётганлигига қарамай, бу курашда муҳим муваффақиятларга эришдик.

Я. Арафат халқаро майдонда Фаластин озодлик ташкилотининг обрўси янада ўсиб бораётганлигини айтди ҳамда Фаластин озодлик ташкилотининг Москвадаги ваколатхонасига расмий дипломатик статус берилганлигини муҳим сиёсий воқеа деб таърифлади.

АҚШ АҲОЛИСИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Қўшма Штатларнинг аҳолиси 230.510.607 кишини ташкил этади, деб хабар берди АҚШ аҳоли рўйхати бюроси. Шу бюросининг маълумотига кўра, мамлакат аҳолиси ўтган йил мобайнида 2.2 миллион кишига кўпайган.

КУБА. Революцион қуролли кучлар зиммасига халқ тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа юклатилган. АҚШ маъмурияти Куба Революциясига хуруж қилаётган бугунги кунда қуролли кучлар жангчиларининг хушёрлиги ва тайёргарлиги ҳар қачонгидан ҳам ошган.

Суратда: Куба Революцион қуролли кучлари жангчиси.

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Эрон раҳбарларини Апрель революциясининг чинакам антиимпериалистик характерига тўғри баҳо беришга чақирди. АДР ташқи ишлар министрлигининг вакили Бахтар агентлигига берган баёнотида қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: Эрон ҳукумати ҳар икки мамлакатдаги революцияларни ҳимоя қилиш йўлидаги курашда афғон раҳбарлари узатган дўстлик ва ҳамкорлик қўлидан юз ўгирмаслиги керак. Бу революциялар АҚШнинг регионда ўз ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги уринишларини чиппакка чиқарди. Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни олиб бораётган ва Эронга қарши агрессив тадбирларни амалга ошираётган Америка империализмининг манфаатларига қаттиқ зарба берди.

(ТАСС).



АФҒОН аёллари мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишяпти. Гулшоҳ Собирий (суратда) Файзиобод шаҳридаги мактабларнинг биринчи ўқитувчи бўлиб ишлайди. У Афғонистон Халқ Демократик партияси аъзолигига кандидат ва Бадахшон вилояти хотинқизлар советининг раисидир.

АФҒОНИСТОН Демократик Республикаси пойтахти Кобулда бутун мамлакатдаги жўшқин ҳаёт маромини яққол сезиб олиш мумкин. Шаҳарда корхона ва магазинлар ишлаб турибди, кўчалар автомашиналарга тўла. Суратда: Кобул кўчаларида.

ТАСС фотохроникалари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ВАЗИЯТ БАРҚАРОР БЎЛИБ БОРМОҚДА

ЛОНДОН. Информация агентликларининг хабар беришича, Гана пойтахти — Аккрада вазият аста-секин барқарор бўлиб бормоқда. Бу шаҳарда яқинда давлат тўнтариши бўлиб, ҳарбий ҳаво кучлари капитани Жерри Ролингс бошчилигидаги ҳарбийлар ҳокимият тепасига келган эди. Пойтахт аэропорти ва пойтахт атрофидаги Бурма армия лагери районида уруш ҳаракатлари тўхтади, шаҳардаги магазинлар очилди. Ж. Ролингс радио орқали Гана аҳолисига қилган мурожаатида бундай деди: мамлакатда социал ва иқтисодий ўзгаришларнинг амалга ошчрилишига эришиш — асосий мақсадимдир. Ардариб ташланган президент Х. Лиманнинг гражданлик идораси ҳукм сурган кейинги икки йил ичида, деди у, «экономика тамомила издан чиқди». Бундай шароитда, деб таъкиллади у, мамлакатни ҳалокатдан қутқазиш учун қатъий ҳаракат қилиш зарур бўлиб қолди. Ж. Ролингс аҳолини осойишталикка ва жамоат тартибини сақлашга чақирди.

Рейтер агентлигининг телеграммаларида мамлакат муваққат ҳарбий кенгашнинг радио орқали эшиттирилган баёнотида комендантлик соати жорий этилганлиги ва барча ҳарбий хизматчилар ўз қисмларига келишлари мажбурий эканлиги тўғрисида хабар берилганлиги уқтириб ўтилади.

РЕЙГАН АППАРАТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ РЕЖАЛАРИНИ ТУЗМОҚДА

ВАШИНГТОН. «Вашингтон пост» газетаси хабар беради: «Президент Рейган миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ўз ёрдамчисининг ҳукмронлигини ғоят кучайтириш ва АҚШ давлат секретарининг биринчи ўринбосари У. Кларкни шу лавозимга тайинлашни планлаштирмоқда». Бу тадбир Рейганнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ҳозирги ёрдамчиси Р. Алленнинг тақдири тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилишига расмий жиҳатдан боғлиқдир. Газета таъкидлаб ўтганидек, Р. Аллен порахўрликда айбланганлиги туфайли рўй берган можаро муносабати билан ҳозир «маъмурий отпуска»да юрибди.

«Аллен билан рўй берган шармандали воқеадан кўра, Оқ уйдагиларнинг билдирган фикри бундай қайта қуришнинг асосий сабабидир, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. Ана шу фикрга мувофиқ республикачилар маъмурияти ҳокимият тепасига келган дастлабки йил мобайнида президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси аппаратининг иши самарасиз бўлиб қолди».

МАҚСАД — ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

МЕХИКО. Бизнинг мақсадимиз — халқ демократик революциясини амалга оширишдан иборат. Бу революцияда эзилган ва эксплуатация қилинаётган халқнинг ғоят кенг доиралари қатнашадилар. Бу революция АҚШга қарамликни тугатади ва бир қанча прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширади. Гватемала қўзғолончи кучлари бош қўмондони Пабло Монсанто бу ерда чиқадиган «Пунто финаль» нашрида эълон қилинган суҳбатида шу ҳақда гапирди.

Гватемала меҳнат партияси, камбағалларнинг партизан армияси ва қуролли халқ ташкилоти, деб уқтириб ўтди П. Монсанто, мамлакатдаги революцион ҳаракатда жуда муҳим роль ўйнайди.

П. Монсанто яна бундай деди: ҳозирги вақтда Гватемалада Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаётган диктаторлик режимига қарши курашни кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Манфур диктатурани қурол кучи билан ағдариб ташлаш — озодлик ва демократияга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини халқ тушуниб олди.

Партизан уруши, деб таъкидлади П. Монсанто, ҳозирги кунда шундай кенг тус олдики, американараст режим эга бўлган кучлар мамлакатдаги қуролли кучларни бостиришга қодир эмас. Гватемала халқи бу курашни ғалаба қозонгунча давом эттиришга қатъий қарор берган.

(ТАСС).

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

„ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!“

Газетанинг 1981 йил 25 июнь сонида Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси ва область Журналистлар ташкилоти КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съезди қарорлари асосида ички ишлар органлари фаолиятини пропаганда қилиш, совет милициясы ходимларининг қаҳрамонона меҳнати, уларнинг ўз хизмат бурчларига садоқати, жиноятчиликни фош этиш ва социалистик мулкни муҳофаза қилишдаги мардонавор курашини кенгроқ ёритиш мақсадида ички ишлар органлари тўғрисидаги «Халққа хизмат қиламиз!» шиори остида энг яхши очерклар учун область конкурси эълон қилинган эди.

Конкурсга материаллар келиб турибди. Уларнинг айримлари газета саҳифаларида босилиб чиқди ҳам. Конкурс 1981 йил 1 июнидан 1982 йилнинг 1 сентябригача давом этишини ҳисобга олиб, яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик. Маълумки, энг яхши ишлар учун олтита: битта биринчи—100 сўмлик, иккита иккинчи—70 сўмлик, учта учинчи—50 сўмлик мукофотлар таъсис этилган.

Илгари хабар берганимиздек, конкурс материалларини қараб чиқиш учун жюрига тақдим этиш 1982 йилнинг 1 сентябрида тугалланади. Конкурс натижалари эса 1982 йил 10 ноябрда—Совет милициясы кунида эълон қилинади.

Энг яхши очерклар СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Журналистлар союзи правленнеси томонидан эълон қилинган Бутуниттифоқ конкурсига тақдим этилишини ҳам унутманг. Журналистлар, ички ишлар органларининг ходимлари, турли касб эгалари, барча қалам соҳиблари, конкурс давом этмоқда, унда актив қатнашинг!

БАХТ БОЗОРИ

ШУҲРАТ

Бахт бозори қайда,
дедилар,
Отингни қўш, ҳайда,
дедилар.
Баъзи бировлар тоғни
кўрсатса
Кўпчилик эл сойда,
дедилар.

Сойга тушдим от бошин
қўйиб,
Бахт бозори йўқ экан
сойда.
Тоққа чиқдим охуни
қувиб,
Тополмадим айтилган
жойдан!

Денгиз оша юргин,
дедилар,
Денгизлардан қуш бўлиб
ўтдим.
Қирда пойлаб турғин,
дедилар,
Пойлай-пойлай дармондан
кетдим.

Дарёда суз дедилар,
суздим,
Бахт бозорин кўрмадим
лекин.
Қанча-қанча қирғоқлар
кездим,
Қулоқ солиб гап-сўзга
секин!

Ҳеч бир ерда топмадим
уни,
Бахт бозори қайда,
ёронлар!
Бахт бозорин топганим
куни
Қолмас дилда дарду
армонлар!

Бахт бозорин топдим
охирн
Ўз юртимдан, она
юртимдан!!
Энди билдим мен унинг
сирин
Доим ҳамрох мениг
қатимда.

Кеча-кундуз ёнимда энди,
Юрагимда нашъаси,
нури.
Кетмас бўлиб бошимга
қўнди
Бахт қушининг аълоси,
ҳури!

О, бахтини излаган
одам,
Изла уни юртингдан ҳар
дам.
Гар топмасанг она
юртингдан
Бошқа ердан топмайсан
ҳеч ҳам!!

Бир-бирига бўлди пайванд
интиқ диллар,
Севги, вафо туйғусидан
кўзларда нур,
Кўзгуни ҳам кулдиради
шод кўнгиллар,
Гул ҳаётдан гулгун ёшлик
олар ҳузур.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Шаҳарда ўқиётган студентга қишлоқдан келган дўсти деди:

— Ўйингдагилардан сенга кўпдан-кўп салом. Улар яна озроқ пул ҳам бериб юборишди.

— Кўпдан-кўп пул бериб, озроқ салом юборишганида сен билан ресторанга кирардик.

* * *

— Сиз қишлоқ хўжалик институтини битиргандингиз, шекилли. Агроном бўлиш ўрнига, нега магазинда сотувчи бўлиб ишлаяпсиз?

— У соҳадан бутунлай узоқлашганимиз йўқ, акам! Бу ерда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиляпмиз.

* * *

Ароқхўрдан сўрашди:

— Сизнинг энг ёмон кўрган нарсангиз нима?

— Бўшаган шиша.

* * *

— Қарз олганимни хотинимга айтма!

— Сен ҳам қарзингни бераётганингда хотинимга билдирма.

* * *

Автовокзалда дикторнинг овозидан маълум бир маъно ололмаган аёл эрига деди:

— Дадаси бу қайси тилда гапирапти?

— Автовокзалча тилда!

Тўпловчи Машариф САФАРОВ.

ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ КАТТА ТИМ

ТОШКЕНТ. Янги йил арафасида эскириб қолган ва кераксиз нарсалардан воз кечиш одати бор. Шунга амал қилиб, «Висотстрой» трести қурувчилари шаҳардаги кўҳна Октябрь бозори яқинидаги эски иморатларни буздилар: бу территорияда Ўрта Осиёда энг катта тим қура бошлашди. Бозорнинг ғоят катта гумбази остида 1200 та савдо дўконлари жойлашади. Комплексни Тошкентнинг икки минг йиллигигача қуриб битказиш мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 6 январь соат 19.00 да

Янги йилингиз мубораг бўлсин, азиз санъат шинавандалари!

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрги конкурсининг дипломанти ва Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА.

Солистлар: опа-сингил ОЛМАГУЛ ва Урбугул СУЙЕРБОЕВАлар, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Қўзибой ШЕРМАТОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза СОЛИҲОВА, Мавжуда БАҲРИЕВА, Ойгул ТУРАҲУЖАЕВА, Клара ХУЖАЕВА, Валентина ПАШКОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Угилжон ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари—Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Бош балетмейстери—Мунаввар ИСРОИЛОВ.

Музика раҳбари—Нажот ТУРАҲУЖАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

СИЗНИНГ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

ТЕЗ, ЛАЗЗАТЛИ, ТУЙИМЛИ

30 минутда таниқ таом тайёрлаш мумкинми? Ҳа, мумкин, агар у кальмар (денгиз мавжудоти)дан тайёрланган бўлса.

Кальмарнинг юмшоқ гўшти мазали бўлиб, ундан ранг-баранг таомлар: салат, блинчик, пирог, шўрва тайёрлаш мумкин.

Кальмарлар сотувга музлатилган ярим масаллиқ ҳолида чиқарилади. Унинг гўштини қайнатишдан олдин муздек сувга туширилади, пўстлоғи шилиб олинади, яхшилаб чайилади ва қайнаб турган гўр сувга 3—5 минут солиб қўйилади. Агарда узоқ қайнатилса у қотиб, қаттиқ бўлиб қолади.

Кальмардан тайёрланадиган таомларнинг бир неча рецептини уй бекалари диққатига ҳавола қиламиз.

«ПИКАНТНИЙ» САЛАТИ.

Қайнатиб олинган кальмар гўштини, картошка, сабзини юпқа парраклаб қирқасиз. Тухумни пишириб, уни тўғрайсиз, Тузланган бодринг, кўк пиёзни майдалаб тўғрайсиз. Ҳаммасини аралаштириб, майонез, қалампир сепасиз.

4 киши учун—100 грамм кальмар, 4—5 дона картошка, 100 грамм бодринг, 50 граммдан сабзи ва пиёз, 2 дона тухум, 4—5 ош қошиқда майонез.

ҚИЙМАЛИ, КАРТОШКА СОЛИНГАН ШЎРВА

Кальмар гўштини қайнатиб, қийма тайёрлайсиз. Унга лигитдан қотган нон, туз, қалампир сепиб аралаштирасиз. Буларнинг ҳаммаси гўшт қиймалагичдан иккинчи марта ўтказилади. Қиймани қайнаб турган шўр сувда 8—10 минут давомида пишириб олган маъқул. Сувн эса шўрва тайёрлаш учун ишлатилади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узрибпромбит»нинг Тошкент область базаси кальмар гўштини реализация қилиш учун таклиф этади.

«УЗРИБПРОМСБИТ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

СПОРТ

1981 ЙИЛ СПОРТИ РАҚАМЛАРДА

Ўтган йил турли меҳнат жабҳаларида булгани каби республикамиз спортчилари учун ҳам зафарларга бой йил бўлди. Ўзбекистон спортининг авангарди ҳисобланган Тошкент области физкультура ташкилотлари муддатидан илгари белгиланган маррани эгаллаганликлари ҳақида рапорт беришди. Ҳозирда пойтахт областида физкультура ва спорт билан 560 минг киши шуғулланмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 197,4 минг ГТО нишондори тайёрланди. Узбекистон спорти шарафини жаҳон, Европа ва СССР чемпионатларида, турнирларида ҳимоя қилганларнинг қариб ярми Тошкент области вакилидир.

Ўтган 1981 йилда Ўзбекистон спортчилари турли йирик мусобақаларда иштирок этиб, 138 та медалга сазовор бўлишди. Буларнинг 48 таси олтин, 48 таси кумуш ва 42 таси бронза медалларидир. Самбочи Владимир Сободирев, қиличбоз Собир Рўзиев, merган Рустам Ямбулатов, камончи Наталья Бутузовалар шахсий ва команда беллашувларида жаҳон чемпиони унвонига муяссар бўлдилар.

Ўзбек спорти тарихида шашкачи Марк Фозилов иккинчи марта СССР чемпиони унвонига муяссар бўлиб, гроссмейстерлик маррасини эгаллади. А. Панфилов, В. Аникин, Л. Белокопь, Э. Мурадасилов, В. Зарипова, Ф. Жирнова ва бошқа жами 19 спортчимиз СССР чемпиони унвонини қўлга киритди. Василий Аникин билан Шохид Загриддиновлар жаҳон кубоги мусобақаларида ғолиблик нишонасини суришди.

1981 йилги мусобақаларда спортчиларимиз 55 марта республика рекордлар жадвалига ўзгартириш киритдилар. 36 спортчи халқаро классдаги спорт мастери нормативини бажарди ва тасдиқлади. 500 дан зиёд СССР спорт мастерлари тайёрланди.

ФИНАЛНИ КЎЗЛАБ

Декабрь ойининг сўнгги кунлари волейбол бўйича аёллар ўртасида олий лига командаларининг биринчи давра ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчиларн Москвада бўлган ўйинларда уч мэрта ғалабага эришиб, икки учрашувни бой беришди. 23 январда Запорожьеда иккинчи тур ўйинлари ўтказилгач, медалларга даъвогарлик қиладиган олти команда маълум бўлади. Биринчи турдан сўнг жадвалдаги аҳвол қуйидагича:

Командалар	Ў	П/Н	О
ЦСКА	5	13—4	4
«Динамо» (М)	5	12—5	4
«Уралочка»	5	14—8	4
ТТУ (Л)	5	13—8	4
«Медик»	5	13—10	4
«Автомобилист»	5	10—8	3
«Аврора»	5	9—10	3
«Искра» (Мн)	5	11—12	2
«Сокол» (К)	5	9—12	1
«Орбита» (З)	5	8—14	1
«Искра» (В)	5	8—15	0
«МОПИ»	5	1—15	0

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА...

ОҚИБАТ

Пигитнинг хаяжони юзларига қалқди. Қўлидаги хужжатларни гўёки ҳаёт парчасини ушлагандек авайлабгина ён чўнтагига солар экан, жилмайиб секретарь аёлга юзланди:

— Ердамингиз учун раҳмат, опажон — келинингизнинг ҳам боши осмонга етадиган бўлди.

— Йўқ-йўқ, сизга раҳмат, хайрли ишнинг бошини тутаяпсиз. Ҳа, айтгандек, қизча қандай?

— Иккаламизнинг бутун овунчоғимиз Барно. Янги йилда 1-синфга боради...

Сезиб турибмиз, унинг бутун вужудини зумда оталарга хос ифтихор туйғуси эгаллади. Биз билан хайрлашиб йўл-йўлакай Чилонзордаги 9-тўғруқхонага қандай борилишини сўраб, шошганича чиқиб кетди. Ортидан ажабланиб қараб қолдик.

— «Ҳазрати инсон»ни ўқигандирсиз-а? — савол-омуз нигоҳимизни пайқаб бизга қаради қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси. — Тўлқинни кўрганимда ҳар гал беихтиёр шу асар ёдимга тушади. Ўша давр билан ҳозирги кунимиз, ундаги қаҳрамонлар билан бу кишини таққослаш ноўриноқ бўлсаям... Худди кечагидек эсимда, турмуш ўртоғи Оқилахон дард тўла овоз билан «Севиб турмуш қилганмиз, бироқ уларнинг тирноқсиз ўтиб кетаверишлари йўлаб ҳеч чидай олмадим», деб ариза кўтариб чиққан эдилар...

Суҳбат давомида беихтиёр ҳаётнинг қалтис имтиҳонидан сўнг тотув ва ширин турмушларини қайта тиклаган, жон ширталари бир-бирига пайваста бўлиб кетган икки инсон тақдири билан танишдик.

...Ўша кунн Тўлқин ишдан қайтаётиб, қишлоқ Совети раиси билан кўришган, воқеадан хабардор эди. Бироқ ҳар кунгидек Оқилани эркалаб, авайлабгина елкасидан қучди, намхуш қовоқларига қараб маъюс жилмайди. Бироқ у ўзини тута олмади. Бошини эрининг кўкрагига қўйиб, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Тўлқин ака, қарорим қатъий, мен ортиқ бундай ўтишимизни хоҳламайман.

— Шошма, азизам, бирга кечган шунча йиллик умримиз, ўртамиздаги аҳду-паймон, меҳру-вафо бор-чу. Фарзандимиз бўлади!

Муҳаббат, самимият ва эзгулик оилани қайта тиклади. Тез кунда хонадондан «бегона» чақалоқнинг «инга»си янгради. Оқила отпускага чиқиб кичкина меҳмонинг бошида парвона. Тўлқиннинг ҳаёлидан уззу-кун кичкинтойнинг жажжи қўлчалари-ю, тиниқ юзлари кетмайди. Ишдан қайтгач, райҳон ҳиди уфуриб турган ҳозли этагида соябонли аравачага эгилганча алланималарни шивирлаётган рафиқасига тикилади. Оҳиста тин олиб, жилмайганича улар томон юради...

Барнонинг бир ёшга тўлганини дўст-дугоналари, беш ёшга кирганини эса маҳалла ва қариндош-уруғлар давасида тантанали нишонлашди. Кеча ниҳоясига етай деганда маҳалланинг ҳурматли кишиларидан Нурмат ота эр-хотини ёнига чақириб, дуога қўл ёзди:

— Эзгуликка интилган инсоннинг қалби саҳоватга тўлиқ бўлади, болаларим. Бу уларнинг дилини, идрокини равшанлаштириб, тўғри йўл кўрсатади, ҳаётига нур йўғиради. Тотувлик ва иноқликларинг бундан ҳам зиёда бўлсин, тупроқ олсаларингиз олтин бўлсин...

Суҳбатдошимиз бироз тин олиб ҳикоясига якун ясали:

— Отахон ҳозир оламдан ўтган. Лекин айтганлари келди. Бу онлага эл назари тушди. Тўлқин ёш бўлсаям ҳамиша тўй-хашамларнинг тўрида, Оқилани маҳалламиз хотин-қизлари бошларига кўтаришади. Асраб олган ўн беш кунлик қизалоқлари эрта-индин мактабга боради. Энди фарзандларимиз қўшалоқ бўлсин деган орзуда ғўпил олишмоқчи — хужжатларини тўғрилаб бердик...

Ҳикоя таъсирида ўртага сукут чўкди. Нечундир асл муддаомизни баён этишга чўчирдик. Гапни нимадан бошлашни билмай қуйидаги дардли сатрлар битилган мактубни узатдик:

«Ҳурматли редакция! Ўйламай, синамай босган қадамнинг охири бахайр бўлмас экан. Мен бунга ўз ҳаётимда ишонч ҳосил қилдим. Келин бўлиб тушган хонадонимга мутлақо бегона эмасман. Умр йўлдошимнинг отаси тога бўладилар. 19 ёшда эдим, отпуска пайтларида меҳмонга бориб танишиб қолдик. Ҳарбий хизматни тугатгач, одам қўйдириб ота-онамнинг розилигини олишди. Бироқ, синовдан ўтмаган муҳаббатнинг умри қисқа экан. Ўзимдан ҳам кўпроқ болаларимга ачинаман. Иккаламиз ҳам соғ-саломат бўлатуриб, улардан Еқутой юрагининг тагида ҳаёт пайдо бўлаётганини сезиб қолганида беҳол бўлиб кетди. Ижара ҳақига зўрга пул топади-ю, бўёғи нима бўлади. Туғруқхонага тушиб қолса, қизларига ким қарайди?

Узоқ ўйлаб бир қарорга келди. Эртасига барвақт туриб, келинлик хонадонининг дарвозасига рўпара бўлди:

— Борақолинглар, қизларим, бувижонларинг олдига. Мен ҳам ҳозир қайтиб келаман...

Орадан бир неча ойлар ўтди. Оналик меҳри Еқутойни тақдир сўқмоғида кўп чарчатди. Чақалоғи билан ўз ота-онасининкига келиб тушди-ю, қизалоқлари кўз ўнгидан ўтаверди. Уч кун ўтмай эрта саҳарда қайтиб таниш дарвозани чертди.

— Йиғлайвериб болаларингнинг эси кетди-ку, фарзандинг уволи тутгур! Энди набираларимнинг тирноғини ҳам кўрсатмайман, сенга, — дўқ қилди қайнона дарвоза эшигини қарсиллатиб ёпар экан.

— Ойи..., — томоғига нимадир тиқилгандек бўлиб, овозини ўзи ҳам зўрга эшитди. Тирқишдан қизалоқларининг таниш товушини эшитиб, талпинганию, қайнонасининг уларни ҳовли тўрига қараб сургаб кетганини кўрди, холос.

Кўни-қўшнилардан эрининг касбини тамомила ўзгартириб қўшни районлардан биридаги маданият уйига ишга кириб ўша ерда яшаётганлигини эшитди. Қизларидан онда-сонда бир хабар олар экан...

Икки оила, икки хил тақдир. Биринчиси муҳаббат ва садоқат, меҳр-оқибат туфайли ўзгалар фарзандига қалбидан жой бериб, бағрига босди. Иккинчиси оиласини барбод этиб, фарзандларини ота-она меҳридан бенасиб этди. Эвазига Тўлқиннинг хонадонига файз ва нур ёғилди. Аброр эса оила қувончи, гаштидан маҳрум, «омад» илинжида. Ҳаётнинг ҳакамлиги шу бўлса керак...

Биз айрим сабабларга кўра қаҳрамонларимизнинг исми-шарифлари ва касбларини аниқ кўрсатмадик. Бироқ, юқорида баён қилинган ҳар иккала воқеа иштирокчилари Оржоникидзе области территориясида истиқомат қилишади. Эҳтимол, Аброр ва Рузвон ҳолалар ҳикоямиздан ўзларини таниб, тегишли хулоса чиқаришар.

А. БОБОБЕКОВ,
Қ. КАРИМОВ.

ФАН ОЛАМИДА

„ЛУЧ“—ЯНГИ НАВ

Белоруссия Фанлар академияси генетика ва цитология институтининг олимлари жавдар билан буғдой дурагайи — тритикале ёрдамида ётиб қолмайдиган бошоқли экин турини ҳосил қилдилар.

— Мамлакат ғаллазорларини пишиқ поялн қилиш жуда кўп донни асраб қолишга имкон беради. Чунки, ғаллазорлар қаттиқ шамолдан ётиб қолиши сабабли ҳар йили кўп дон нобуд бўлиб турарди, — деди биология фанлари кандидати Л. Лаботская. — Йўл-йўлакай ғалланинг ашаддий душмани — ғалба қўнғизига қарши кураш проблемаси ҳам ҳал этилади. Бу қўнғиз илдиздан бошоққа поянинг ичидаги бўшлиқ орқали ўтиб борарди. Энди эса бу йўл беклиб қолади.

Белоруссиялик олимлар «Луч» ёрдамида 70 га яқин буғдой дурагайини ҳосил қилдилар. Ана шулардан эртанги куннинг янги буғдой навлари танлаб олинди.

Д. ПАТИКО,
ТАСС мухбири.

Минск.

СУТДАГИ... ХОЛОДИЛЬНИК

▲ РИГАЛИК конструкторлар сутни холодильникка эмас, балки холодильникни сутга жойлаштиришни таклиф этдилар.

Маҳсулотни сақлаш учун одатдаги совутгич установкалар қўллаш ўрнига совутилган инерт газлар аралашмасини шу маҳсулот орқали ўтказилади. Аралашма тўғридан-тўғри сут қуйилган идишга ўтади.

Газ юборишн интенсивлиги температурага қараб автомат тарзда ростлаб турилади. Бундай установка аввалгисига нисбатан икки баравар тежамли бўлиб, унда ишлов берилган сут там сифатларини узоқ вақт йўқотмайди.

Холодильник цистерналар «Тандем» ва «Молокопровод» типидаги автомат сут соғиш установкалари комплектига киритилади. Резекне сут соғиш установкалари заводи шундай агрегатларни ишлаб чиқаришга киришади, деб хабар қилади ТАСС мухбири.

Рига.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, чизмачи-конструктор, электрон-ҳисоблаш машинасининг оператори, электрон-ҳисоблаш машинасининг механиги, ўйин автоматларига хизмат кўрсатиш бўйича механик.

ЎҚИШ МУДДАТИ—1 ЙИЛ.

Етоқхона берилмайди.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини тугатганлар иш билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Киров районн, Хуршид кўчаси 45-уй (44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати). Телефонлар: 35-52-12, 35-61-09.

Телевидение

5 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Фильм-спектакль. 12.10 — Фильм-концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Уфк. 17.15 — Концерт. 17.50 —Павел аралашяпти.. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.45 —Жасорат. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Ўн уч. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Русская зима. Концерт. 23.30 — Дунё воқеалари

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20—Ҳужжатли фильм. 9.40 — Пристань нариги қирғоқда. Бадиий фильм. 10.40— Золушка. 11.10 — Мультфильмлар. 11.55 — Ҳунартехника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўрганишади 12.25 — Фильм-концерт. 13.05 — Қизил шапочка ҳақида. Бадиий фильм. 2-серия. 14.15 — Концерт. 14.50— Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 15.35 — Д. Шостаковичнинг опера театри. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.15 — Қишлоқ янгиликлари. 20.15 — Хайрли тун, қичқинтойлар. 20.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 20.55 — Африка, 1981 йил. 21.30 — Время. 22.00 — Мақсад. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 11.55 — Фильм-концерт. 17.20 — Пионерлар уйида. 17.50 — Ёшлик ороли. Бадиий фильм 18.00—Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Узбек шоирларининг янги таржималари. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Улиқ мавсум. Бадиий фильм. 1-серия.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5Ц да Кузнинг биринчи куни (12.00), Оқ танлилар (16.00), 6Ц да Келинлар кўзголони (12.00), Оқ танлилар (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6Ц да Олифта, 7Ц да Тўйдан олдин томоша.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЦИРРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (10, 13, 16, 19.30).

Узбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси Т. М. Мирёқубовга онаси

Анор МИРЁҚУБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент ғўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмуриятн, партия ва касаба союз ташкилотлари бирлашма кадрлар бўлимининг бошлиги, 1954 йилдан буён КПСС аъзоси

Ғурғун МУҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; сдабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01705. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64684. А. 1514.